

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил апрель ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Поп туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси Ж.Курбановнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари Д.Камилова ва Ф.Алимовалардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси И.Комиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Поп туман прокурорининг ўринбосари Л.Худойкулов, туман прокурорининг ёрдамчиси Й.Абдурахманов, таржимон М.Пулатова, жабрланувчининг қонуний вакили М.Исмоилов, жабрланувчининг қонуний вакили Т.Рахмонова ва унинг вакили-адвокат Ф.Имомназарова, судланувчи А.Муҳаматжонов ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Ниёзовнинг иштирокида, Муҳаматжонов Абобакир Авазжон ўғлига нисбатан 1-1606-2501/37-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи Муҳаматжонов Абобакир Авазжон ўғли, 2003 йил 8 февралда Поп туманида туғилган, миллати тожик (ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматига муҳтож эмас), Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, судланмаган, вақтинча ишсиз, Поп тумани, Чодак қишлоғи, Боён маҳалласи, Боён-3 кўчаси, 104-уйда яшайди, 2024 йил 10 августда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2024 йил 12 августда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 14 февралда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “а,в,ж” бандлари билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакиллари ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Муҳаматжонов ҳаётга қарши жиноятлар туркумига кирувчи жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда, яъни иккидан ортиқ шахсни, айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни, ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдириш жиноятини қуйидаги усул, вақт ва ҳолатларда содир этган.

Жумладан, судланувчи А.Муҳаматжоновнинг отаси Исмоилов Авазжон ўзининг укаси Исмоилов Махмуджон билан аввалдан уй-жой ва маиший



низолар туфайли мунтазам жанжаллашиб келганлар ва оқибатда ҳар иккала оила аъзоларининг бир-бирларига нафрати ошиб борган.

Шу боис, Исмоилов Махмуджон Россия давлатига ишлаш учун кетган бўлишига қарамасдан, унинг оила аъзолари ўзлари яшаб келаётган хонадон орқали электр ва газ тармоғига уланган А.Муҳаматжонов яшаб келаётган хонадонни, хонадон эгаларини огоҳлантирмаган ҳолда мунтазам газ ва электр тармоғидан ўзбошимчалик билан узиб қўйиб келганлар.

2024 йил 9 август куни соат 20 ларда ўзи яшаб келаётган хонадонига келган А.Муҳаматжонов хонадони амакиси М.Исмоиловнинг турмуш ўртоғи М.Рахматова томонидан электр тармоғидан узиб қўйилганидан хабар топиб, бунинг учун ўч олиш мақсадида М.Рахматова ва вояга етмаган фарзандларини қасддан ўлдиришни режалаштирган.

Режага кўра, шу куни ўзи яшаб келаётган хонадонда рўзгор учун фойдаланиладиган пичоқни олиб, соат 20:30 ларда қуролланган ҳолда амакиси М.Исмоиловнинг хонадонига кириб, дастлаб хонадон ҳовлисида томорқа томонига ҳаракатланиб кетаётган, М.Исмоиловнинг 2011 йил 21 майда туғилган 14 ёшга тўлмаган вояга етмаган Муҳаматжонов Мухсинжон Махмуджон ўғлини орқасидан югуриб етиб олиб, уни ожиз аҳволда эканлигини била туриб, қўлидаги пичоқ билан **ҳаёт учун муҳим аъзоси бўлган бўйин қисмига сўнгра қорин ва кўкрак қисмларига, ўта шафқатсизлик кўп маротаба санчилган, кесилган жами 29 маротаба жароҳатлар** етказиб, уни қасддан ўлдирган.

Шундан сўнг, у ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, яшаш хонаси эшигидан **уни ҳаракатларини кузатиб турган, сўнг жон сақлаш учун қочаётган М.Рахматовани қасддан ўлдириш мақсадида ортидан ётоқхонасига қадар қувиб етиб олиб, қўлидаги пичоқ ёрдамида М.Рахматованинг ҳаёти учун муҳим ҳисобланган бўйин ва кўкрак қисмларига кўплаб, санчилган, кесилган жами 42 маротаба жароҳатлар** етказиб, уни қасддан ўлдирган.

А.Муҳаматжонов ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, унинг бу ҳаракатларидан қўрқиб, хонадон ошхонасига кириб яшириниб олган Муҳаматжонов Мақсаджон Махмуджон ўғлини қасддан ўлдириш мақсадида, қўлидаги пичоқ ёрдамида ичкаридан қулфланган ошхона эшигини очаётганида пичоқ синганлиги учун эшикни тепиб очган ва шу хонада стол устида турган ошхона пичоғини қўлига олиб, М.Муҳаматжоновни қасддан ўлдириш мақсадида қўлидаги пичоқ ёрдамида, **ўта шафқатсизлик билан қорин ва кўкрак қисмларига кўплаб, санчилган, кесилган жами 39 маротаба жароҳатлар** етказиб, уни қасддан ўлдирган.

Шундан сўнг, А.Муҳаматжонов жиноят изларини йўқотиш мақсадида М.Рахматованинг “Samsung” русумли уяли телефон аппаратини ва шу хонадон ошхонасидан олган ошхона пичоғини томорқа томонига отиб юбориб, ўзи билан олиб келган синган пичоқни чўнтагига солиб, ҳодиса жойидан қочиб яширинган.

Суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги 72/72-сонли хулосасига кўра, Мухсинжон Муҳаматжоновнинг ўлимига ҳаётийлик



даврида ташқи ва ички қон кетишига олиб келган - қорин бўшлиғига тешиб кирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида қорин мушакларини, қорин пардани, жигарни, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини жароҳатлаган, **бўйин очик шикасти бўйин мушакларини, қон томирларини, трахеяси, нерв толаларини жароҳатлаган** ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлган.

Суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги 73/73-сонли хулосасига кўра, М.Рахматованинг ўлимига ҳаётийлик даврида ички ва ташқи қон кетишига олиб келган кўкрак ва қорин бўшлиғига тешиб кирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида кўкрак, қорин мушакларини, плевра, қорин пардаларини, чап ўпкани, чап буйракни, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини, чап паранефрал клетчаткани жароҳатлаган, **бўйин очик шикасти, бўйин мушакларини, қон томирларини, трахеяни, нерв толаларини жароҳатлаган** ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлган.

Суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги 71/71-сонли хулосасига кўра, Мақсаджон Мухаматжоновнинг ўлими ҳаётийлик даврида ички ва ташқи қон кетишига олиб келган, кўкрак ва қорин бўшлиғига тешиб кирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида кўкрак ва қорин мушакларини, ўпкаларни, жигарни, диафрагмани, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини жароҳатлаган, **бўйин очик шикасти, бўйин мушакларини, бўйинтурук венаси, трахеяни жароҳатлаган** ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлган.

Стационар тартибда ўтказилган суд психологик-психиатрик экспертизасининг 2024 йил 23 сентябрдаги 269-сонли хулосасида, А.Мухаматжонов муомалага лаёқатли деб топилган ва унинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, кўрсатув бериши, тергов ва суд жараёнида қатнаша олиши ҳамда у мазкур жиноятни тўғри қасддан онгли равишда содир этганлиги кўрсатилган.

РСТИАМНА Поп туман бўлинмасининг 2024 йил 14 августдаги 1377/1652-сонли экспертиза хулосасида судланувчи А.Мухаматжоновнинг танасидаги тан жароҳатлари - чап қўл 1- ва 5-бармоқларидаги юзаки кесилган яралар ўткир кесувчи, чап 3-бармоқ кафт соҳасидаги, иккала тизза бўғимидаги шилинмалар чегараланган юзали, ўтмас қаттиқ жисм таъсирида юзага келгани, ушбу тан жароҳатлар соғлиқни бузилишига сабабчи бўлмаган енгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи А.Мухаматжонов судда айбига иқдор эмаслигини билдириб, мархума М.Рахматова амакиси М.Исмоиловнинг турмуш ўртоғи бўлишини, Мухсинжон ва Мақсаджонлар эса амакисининг фарзандлари бўлишини, А.Исмоилов унинг отаси бўлишини, отаси ва амакиси ўртасида аввалдан низо бўлгани, 2024 йил 9 август куни соат 20 ларда яшаш хонадонида бўлгани, ўша вақтида ўртоқлари билан сунъий майдонда футбол ўйнамоқчи бўлиб, амакиси М.Исмоиловнинг яшаш хонадони олдидаги дала ҳовлисига боргани, у ерда мархума М.Рахматовани кўргани у яшаш уйига кириб кетгани, шундан сўнг симёғочдан электр токини ёқиб, дала ҳовлисига



кириб, кийимларини кийиб, телефон аппаратини чироғини ёқиб, ташқари чиққани, ҳовлидан кетаётган вақти кимдир уни чақиргани, амакиси Россия федерациясида бўлгани учун шубҳалангани, шундан сўнг овоз келган томонга борганида у ерда давлат рақам белгиси бўлмаган “Дамас” русумли автомашина тургани, автомашина чиқиб кетиш учун қулай қилиб, дарвоза томонга қараб қўйилганини кўргани, шундан сўнг автомашинада юзида ниқоби бор 3 нафар одам борлигини кўргани, шундан сўнг улардан икки нафари автомашинадан тушгани, уларга салом бермоқчи бўлганида, улардан бири уни сочидан ушлагани, бошқаси эса қўлини боғлагани, ушбу шахслардан бири бобосини укаси Ўткир эканлигини овозидан таниб қолгани, шундан сўнг ушбу икки нафар шахс уни қўлларини скочлагани, у ерда электр чироғи ўчиқ бўлгани учун уларни юзини кўра олмагани, шундан сўнг уни қўлидан ушлаб судраб ҳовлига олиб чиқишгани, у ерда марҳум Мухсин пичоқланган ҳолатда ётганини кўргани, шундан сўнг у стресс ҳолатга тушгани, шундан сўнг уни дарахтлар орасида уйни ичига олиб боришгани, чап томондаги уй ичида келинойиси ва катта ўғли Мақсад пичоқланган ҳолатда ётганини кўргани, унинг ёнида синган пичоқ борлигини кўргани, телефон аппарати жиринглаётганини кўргани, шундан у ерда турган пичоқни олиб унинг чўнтагига солишгани, шундан сўнг телефон аппаратини синдириб ҳовлига отиб юборишгани, ушбу шахслар унга ушбу жиноятни бўйнига олишини, агар бўйнига олмаса унинг ҳам оила аъзоларини шу ҳолатга туширишларини айтишгани, шундан сўнг уни қўли боғланган ҳолатда ўша ерда қолдиришгани, шундан сўнг у хоналар ичига кириб, амакисини қизи Мадинани исмини айтиб чақиргани, Мадина унга жавоб бермаганидан сўнг у ердан чиқиб ўзининг дала ҳовлисига тушгани, у ерда дадаси А.Исмоиловни кўргани, унга амакисини хотини ва ўғилларини ўлдириб қўйганини айтгани, отаси унинг гапларига ишонмагани, шундан сўнг отаси амакисининг яшаш хонадонига кетгани, у эса дала ҳовлисида қолгани, шундан сўнг чўнтагида бўлган пичоқни отиб юбориб, кийимларини алмаштириб ўчоққа солиб ёқиб юборгани, бироздан сўнг отаси қайтиб келиб, марҳума М.Рахматованинг яшаш хонадонига электр токи ёниқ бўлганини, ичкарига кирмасдан қайтиб чиққанини ҳақида айтиб, унинг гапига ишонмагани, бироздан сўнг бобоси отасига қўнғироқ қилиб, ўзаро гаплашгани, уларнинг нима ҳақида гаплашганини билмаслигини, шундан сўнг бобосининг яшаш хонадонига боргани, у ерга борганида Д.Исмоилова воқеа жойидан келган бўлгани, шундан сўнг тез ёрдам келгани, орадан ярим, бир соат ўтганидан сўнг ИИБ ходимлари келиб уни ушлашгани, айбига иқдор эмаслигини, марҳума ва марҳумларни у ўлдирмагани, ниқобли одамлар уни қўрқитгани учун ва тергов вақтида унга куч ишлатишгани учун уларни ўлдирганини тан олгани, аслида уларни ўлдирмагани суддан ўзига енгиллик берилишини сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчининг қонуний вакили Т.Рахмонова судда, марҳума М.Рахматова қизи эканлигини, қизини қўшниси М.Исмоиловга турмушга бергани, қизи ва куёвининг уч нафар фарзандлари бўлгани, куёви М.Исмоилов Россия Федерациясига ишлаш учун боришини, йилда бир



маротаба яшаш хонадонига келиб туришини, 2024 йил 9 август куни шом намозини ўқиб чиққандан сўнг мархума қизи Мохира билан автомашинага кўрпача тикиб, билан гаплашиб ўтиришгани, Мохира унга қайнотаси келиб Мақсаджонни автомашинани бошқаргани учун уришганини айтгани, шундан сўнг қизи ҳам уни уйида намозини ўқиб, ўзининг яшаш хонадонига чиқиб кетгани, шундан сўнг келини билан бирга кечки овқатни егани, ўғли ва турмуш ўртоғи ишда бўлгани, уйда катта келини билан бирга қолган бўлгани, хуфтон намозини ўқиб бўлганидан сўнг синглиси билан телефонда гаплашиб турган вақтида набираси Мадина унинг олдида йиғлаб келиб акаларини амакиси Абобакир ўлдириб кетганини айтгани, унинг гапларига ишонмагани, уни қўлидан ушлаб Мархабо келинини уйига чиққани, шунда Мархабо келинига қизини ўғилларини Абобакир ўлдириб кетганлигини айтганида Мархабо уни билмаслигини айтгани, шундан сўнг Мадинани қўлини ушлаб ташқарига чиққан вақтида Марохабо келиб “Мадинани бобоси келди” дегани, шунда Мадина унга бобоси уни қувлаб келганини у эшикни қулфлаб келганини айтгани, шундан сўнг у Мадинани олиб қўшниларининг уйига чиққани, қўшниларининг ҳаммасини эшиги қулф бўлгани, кейин “Бихамида” деган қўшнисини чиққани, шунда қудаси Муҳаммаджон унга қизини Аваз ўлдирганлигини айтгани, унга “мени итимни итим еди” дегани, Мадинани орқасидан келиб шунақа дегани, шундан сўнг яна қўшниларни чақирган вақтида ҳамма кўчага чиққани, улар билан бирга қизининг уйига боришгани, ўша вақтида ўғли ҳам ишдан келган бўлгани, бакир-чакирни эшитиб у ҳам чиққан бўлгани, у ҳатто ўғлини югуриб чиққани ҳам кўрмагани, кейин Мадинани Мархабо келинига ташлаб кетгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари келиб набираси Мадинани сўроқ қилгани, набираси Мадинани соғлиги ёмонлашгани, уни “Баҳромжон” исмли шифокорга кўрсатишгани, бир неча кундан сўнг Саида келиб Мадинани Тошкент шаҳрига олиб кетгани, ўша ерда Мадина даволангани, набираси Мадина ўша куни уни олдида келган вақтида акаларига пичоқни Абобакир санчганини айтиб, қорнини ушлаб тинмасдан йиғлагани, куёви унга қизини акаси Аваз ўлдирганлигини айтаётгани, мархума ва марҳумларни судланувчи Абобакирни ўзи ўлдирмагани, унга унинг отаси Исмоилов Аваз, судланувчининг онаси, ва синглиси ҳамда унинг бобоси Муҳаммаджон ҳам бўлгани, уларни ҳам жиноий жавобгарликка тортишни сўраб, судланувчига ўлим жазоси берилишини, унга етказилган маънавий зарар учун ўн миллиард сўм ундириб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчининг қонуний вакили М.Исмоилов судда, мархума М.Рахматова унинг турмуш ўртоғи бўлишини, марҳумлар Мақсаджон ва Муҳсинжонлар унинг ўғли бўлишини, Исмоилов Аваз унинг акаси бўлишини, акаси билан 2015 йил бирга Россия давлатида бирга ишлаб юрган вақтларида ўрталарида низолар сабабли у билан гаплашмай қўйгани, 2023 йилда ит боққани, ит “Қўтир” касаллигига учрагани, шундан сўнг ҳамқишлоғига 20.000 сўм бериб, итни бошқа жойга ташлаб келишини айтгани, уйдаги зинада ўтирган вақтида акаси А.Исмоилов маст ҳолатда келгани, акасига итни икки марта ташлаб келгани бироқ ит уйга қайтиб



келганини айтгани, шундан сўнг акасига унинг автомашинаси борлигини, итни қопга солишини, уни узоқроқ ерга ташлаб келишини айтгани, шундан сўнг итни ушлаб қопга солгани, шунда акаси гаражни олдида бўлган оғир темирни олиб, итнинг калласига бир неча маротаба ургани, шунда акасига нима қилганлигини айтганида акаси унга итни ўлгани яхши эканлигини айтиб итни ўлдиргани, шундан сўнг унга акаси А.Исмоилов марҳума хотинини “жалаб” дегани, акасига хотини жалаб бўлса исботлаб беришини айтгани, шунда акаси унга хотинини онасини чақиришини айтгани, шунда у хотинини онаси Т.Рахмоновани чақиргани, акаси А.Исмоилов гапиришни бошлаганида Т.Рахмонова уларни телефонга видеога олишни бошлагани, акаси Т.Рахмонованинг телефонини олмоқчи бўлганида қўли Т.Рахмоновага тегиб тан жароҳати етказгани, кейин уларни ажратгани, акаси А.Исмоилов телефонини олиб ерга уриб синдиргани, шундан сўнг уларни ажратиб қўйишгани, Т.Рахмонова ва акасини ҳамқишлоқдаги одамлар орасига тушиб уларни яраштириб қўйгани, шундан сўнг у яна Россия Федерациясига ишлаш учун кетгани, ўғли Мақсаджон унга автомашина олишини айтгани, автомашинани ўзининг номига олишини айтгани, ўғли “Дамас” автомашинаси олгани айтгани, 2024 йил 9 август куни турмуш ўртоғи унга қўнғироқ қилиб, Мақсаджон укасини ва синглисини олиб, айлантиргани олиб кетганини айтгани, ўша куни соат 19:58 да унга турмуш ўртоғи қўнғироқ қилгани, фарзандлари билан бирга овқатланиб ўтирган бўлишгани, шунда ўғли Мақсаджонга автомашинани ҳужжатлари бўлмагани учун бошқармаслигини айтгани, ўғли Мақсаджон унга, у Россия давлатидан келмагунча автомашинани бошқармаслигини айтиб сўз бергани, шундан сўнг ўғли ташқарига чиқиб кетгани, у эса турмуш ўртоғи билан бир ёки икки дақиқа гаплашиб тургани, турмуш ўртоғи ташқари томонга чиқиб тожик тилида “ўлди, ўлди” дегани, телефоннинг экрани қоронғилашиб кетгани, ўша вақтида турмуш ўртоғи ҳам пичоқланган бўлгани, уларни ўлдирган шахс телефонни ўчирмаган бўлгани, ўша ерда акасининг ҳам овозини эшитган бўлгани, у ерда аёллар ҳам бўлгани, уларнинг ҳам овозини эшитгани, шундан сўнг қўнғироқ ўчгани, шундан сўнг бир неча маротаба қўнғироқ қилган вақтида телефон жиринглагани, бироздан сўнг телефон аппарати ўчгани, шу куни соат 20:35 ларда телефон аппарати яна ишлагани, телефондаги “Whatsapp” иловаси ишлагани, биров унга қўнғироқ кетмагани, шундан сўнг онасига қўнғироқ қилгани, соат 21:06 ларда онаси билан телефон орқали гаплашган бўлгани, онасидан отасини сўрагани, онаси телефон аппаратини отасига бергани, у отасига ўғли ўлганини айтгани, шунда отаси унга турли саволларни бериб 5 дақиқа вақт кетгани, отасига уйига боришини айтгани, отаси унинг яшаш хонадонига боргани, унга телефон орқали хотини ва катта ўғлини “бандитлар сўйиб кетибди” дегани, шундан сўнг Россия Федерациясидан Ўзбекистон Республикасига қайтиб келгани, турмуш ўртоғи ва фарзандларини жияни Абобакирнинг ўзи ўлдирмагани, ўғли жисмонан бақувват бўлгани, уларга унинг бир ўзини кучи етмаслигини, судланувчининг шериклар бўлгани, уларни ҳам жиноий жавобгарликка тортишни, судланувчига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси



тайинлашни, унга нисбатан бир миллиард сўм маънавий зарар ундириб берилишини сўраб, кўрсатув берди.

Қонуний вакили иштирокида сўроқ қилинган вояга етмаган М.Мухаматжонова судда, марҳума М.Рахматова унинг онаси бўлишини, марҳумлар Мақсаджон ва Мухсинжон акаси бўлишини, судланувчи А.Мухаматжонов амакисини ўғли бўлишини, уни “Абу” деб чақиришини, амакиси А.Исмоиловни “Аваз” деб чақиришини билдириб, **дастлаб судда** 2024 йил 9 август куни онаси ва акалари билан бирга отаси билан телефонда гаплашишгани, акалари алоҳида хонада бўлгани, шу вақтида “Абу” келиб акаларига пичоқ тикқани, ойисига ҳам пичоқ тикқани, “Аваз” қўлидан ушлаб тургани, уй ойнадан қараб тургани, у диванни остига кириб яшириниб олгани, шунда “Абу” “Мадина” чиқ деди, у чикмагани, ташқарида “Аваз” қўлидан ушлаб тургани, уйни ичида “Абу” пичоқ тикқани, у ерда “Абу”ни ойиси, “Муби” бор бўлгани, терговда берган кўрсатувларини ўзгариб қолишига кейин бўлган ҳолатни эслаб кўрсатув бергани ҳақида кўрсатув бериб, **кўрсатувлари якуни бўйича** ўша куни “Абу” уйларига келиб акалари ва онасига пичоқ тикқани, “Абу”ни иккита пичоғи бўлгани, бундан ташқари унинг қўлида скоч ҳам бўлгани, “Абу”ни онаси ва акаларининг кўкрак қафасига ва қорин қисмига пичоқ тикқанини кўргани, шундан сўнг эшикни қулфлаб қўйгани, шунда “Абу” эшикни синдириб киргани, онаси ва акаларини “Абу”ни ўзи ўлдиргани, унинг онаси, синглиси ва “Аваз” борлигини ўзи ўйлаб топгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Д.Исмоилова судда, судланувчи А.Мухаматжонов жияни бўлишини, марҳума келини бўлишини, марҳумлар ҳам жияни бўлишини, Исмоилов Авазжон ва Исмоилов Махмуджон акалари бўлишини, акалари ўртасида олдиндан низо бўлганлигини, улар бир бири билан умуман гаплашмаслигини, 2024 йил 8 август куни акаси Исмоилов Авазнинг турмуш ўртоғи билан Қўқон шаҳридаги бозорга бормоқчи бўлишгани бироқ пуллари етарли бўлмагани учун бозорга бора олишмагани, 2024 йил 9 август куни соат 20 ларда кичкина келини унга қўнғироқ қилиб, онасининг қон босими кўтарилиб кетганлигини, тез тиббий ёрдам келганлигини, уйига тез етиб келишини айтгани, шундан сўнг фарзандларини олиб, ота-онасининг яшаш хонадонига келган вақтида акаси А.Исмоилов автомашинадан ота-онасининг яшаш хонадонидан чиқаётган бўлгани, акаси А.Исмоилов унга жиянлари Мақсаджон ва Мухсинжон пичоқни ўйнаб бир-бирларига тикиб олганлигини айтгани уни ҳам боришни айтгани, шундан сўнг у фарзандларини ота-онасининг яшаш хонадонига ташлаб, акаси билан бирга акасининг автомашинасида акаси М.Исмоиловнинг яшаш хонадонига боргани, автомашина билан ичкарига киришгани, ўша ерда марҳума келинини укаси Мухриддин, онаси ўша ерда бўлгани, акаси А.Исмоилов автомашинадан тушган вақтида Мухриддин акасига марҳумалар ва марҳумларни у ўлдирганини айтиб унга ташланиб кетгани, шунда Мухриддинга ким ўлдирган бўлса давлат топишини, ўлдирган одамни олиб кетишини айтгани, шундан сўнг улар ичкарига кирмоқчи бўлишгани бироқ ичкарига кира олишмагани, ўша ерда “Баходир”, “Ғайрат” амаки бўлгани, Мухсин уйни



ёнида ётган бўлгани, деразадан қараган вақтида Мақсаджон уйни ичида ётган бўлгани, шу вақтида унга кичкина келини қўнғироқ қилиб, онасининг соғлиги ёмонлашганини, қон босими ошиб кетганини айтгани, ўша ерга тез тиббий ёрдам келган бўлгани, у тез тиббий ёрдамни бошлаб ота-онасини уйига олиб тушгани, уйга келган вақтида судланувчи А.Муҳаматжоновни кўргани, унинг ташқари кўриниши яхши бўлгани, унда юзида кўкариш, шилинмаларни кўрмагани, шунда унга яна қўнғироқ қилиб, маҳалла раисининг соғлиги ёмонлашганини айтишгани, шунда у тез ёрдам билан юқорига чиққан эди, ўша ерда ИИБ ходимлари бўлган лекин профилактика инспекторлари бўлмагани, ўша вақтида унга келини яна қўнғироқ қилиб, онасининг соғлиги ёмонлашганини шифохона ётқизиш кераклигини айтгани, шунда амакиси Исмоилов Ўткирга онасини мазаси йўқлигини, унинг танишлари кўплигини, онасини кўриб бирорта маслаҳат беришини сўрагани, шундан амакиси Исмоилов Ўткир ўғли Жаҳонгирга тайинлаб ўзи ичкарига кириб кетгани, шунда у ва отаси билан Жаҳонгирни автомашинасида онасини олдига кетаётган вақтида амакиси Исмоилов Ўткир ўғли Жаҳонгир унга “Мақсаджон ва Мухсинжонларни Абобакир ўлдирибди” дегани, ундан нима учун бундай деяётганини сўрашган вақтида Абобакир изларини йўқотиш учун қўлига скоч билан борганлигини айтгани, ўша вақтида ИИБ ходимлари ҳам скочдан беҳабар бўлгани, бироқ Жаҳонгирни хабари бўлгани, Жаҳонгирга буни қаердан билганини сўраганида бошқа одамлардан эшитгани ҳақида айтгани, улар онасини олдига етиб келишган вақтида ИИБ ходимлари Абобакирни ўраб олиб суҳбат қилишаётган бўлгани, шундан сўнг онасининг соғлиги яхши бўлганидан сўнг отаси билан воқеа жойига боришгани, у ерда ИИБ ходимлари бўлгани, шундан сўнг экспертиза машина келиб жасадларни экспертизага олиб кетгани, эртаси куни экспертизага бормоқчи бўлганида Ўткир амакиси экспертизага ўзи боришини айтиб уларни юбормагани, шундан сўнг Ўткир амакисига қўнғироқ қилган вақтида Мақсадни экспертиза қилиб бўлганини, Мухсин ва Мохирани экспертиза қилмагани ҳақида айтгани, шунда Ўткир амакиси мурдаларни экспертизада расмга олиб “Чодак Янгиликлари” номли “Телеграмм”даги гуруҳга ташлагани, шундан сўнг мурдаларни экспертизадан олиб “Лабо” русумли автомашинадан тушираётган вақтида уларни ҳам расмга олиб телеграмм гуруҳга ташлагани, марҳума ва марҳумлар ўлдирилганини ўз кўзи билан кўрмагани, ўша куни судланувчи А.Муҳаммаджоновнинг қўлида скоч изларини кўрмагани, тоза бўлгани, қўлида скоч ёки арқоннинг излари бўлмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Исмоилов Муҳаматжон судда, марҳума М.Рахматова келини бўлишини, марҳум Мақсаджон ва Мухсинжонлар эса набираси бўлишини, судланувчи А.Муҳаматжонов ҳам набираси бўлишини, А.Исмоилов катта ўғли эканлигини, М.Исмоилов эса ўртанча ўғли бўлишини, А.Исмоилов ва М.Исмоиловлар ўртасида олдиндан низо бўлгани, 2024 йил 9 август куни соат 20лар атрофида уйга келсам, турмуш ўртоғим Россиядаги ўғлим билан гаплашиб турган экан, ўғлим дадам қани деди дегани, телефонни олган вақтида ўғли М.Исмоилов унга тез уйига боришини айтгани, шундан сўнг



ўғлининг уйига борган вақтида хонани ичида келинини ётганини ҳамма жойи қон эканлигини кўргани, иккинчи хонада Мақсаджон қонга беланиб ётганини кўргани шундан сўнг қудаси келгани улар билан бирга уйни ичига кириб пастроққа тушишганида кичкина невараси Мухсинжон итга овқат бераётган ерида қонга беланиб ётганини кўргани, уни ҳамма жойи қон бўлгани бироқ, ҳеч қаерга қон сачрамаган бўлгани, биринчи воқеа жойига ўзи боргани, кичкина набирасини кўрмагани, иккала ўғлига уй қуриб бергани, уларни уйларини ўртасида деярли 20 метр масофа борлигини, олдин уйларидаги свет ва газ битта бўлгани, шундан сўнг иккаласи ҳам электр ва газларни алоҳида қилиб олгани, уй катта ўғли А.Исмоиловнинг номида бўлгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Исмоилов судда, судланувчи А.Мухаматжонов унинг ўғли бўлишини, мархума келини бўлишини, мархумлар эса жиянлари бўлишини, 2024 йил 9 август куни соат 10ларда Чодак қишлоғидаги чойхонага боргани, у ерда турган вақтида унга бегона шахслар қўнғироқ қилиб, дача кераклигини айтгани, шундан сўнг улар билан учрашгани, у шахслар “Дамас” автомашинасида бўлгани, улар билан бирга дачасига боргани, дачага боришган вақтида у ерда ўғли судланувчи А.Мухаматжонов иш қилиб юрган бўлгани, шундан сўнг дам олувчилар овқат пиширгани, шу вақтида ўғли А.Мухаматжонов кўринмай қолгани, ўша куни соат 20 ларда ўғли А.Мухаматжонов унга қўнғироқ қилиб, уйни тепасига чиқишини айтгани, шундан сўнг у уйни тепаси чиққан вақтида ўғли А.Мухаматжонов унга одам ўлдириб қўйганини, амакисини хотини ва икки нафар фарзандини ўлдириб қўйганини айтгани, ўғлининг гапига ишонмагани, ўғлига тарвуз олиб чиқишини айтгани, ўғли тарвуз олиб чиққанидан сўнг унга тарвузни еб туришини айтиб, ўзи укасининг яшаш хонадонига боргани, яшаш хонадонини узоқроқдан кўрганида электр чироклари ёниқ бўлганини кўргани, у ерга кириши мумкин бўлмагани учун яъна дала ҳовлисига қайтиб келгани, у ерда дам олаётган дам олувчиларга бўлган ҳолатни айтиб уларни кетишини айтгани, у ердан чиқиб отасини уйига боргани, у ерда “Дамас” автомашинасида ташқарига чиқиб кетаётган вақтида синглиси Д.Исмоилова келиб қолгани, шундан сўнг синглиси билан бирга воқеа жойига боришгани, у ерда отаси борлигини кўргани, шундан сўнг ИИБ ходиллари уни олиб кетгани, 3 кун давомида Поп шаҳрига яшаб юргани, шундан сўнг профилактика инспектори Ж.Ражапов билан Поп туман ИИБда учрашгани, у дастлаб М.Исмоилов келгани, ундан сўнг эса Ўткир келгани, у ердан профилактика инспекторининг топшириғи билан у ердан кетишгани, йўлда ўткирга бўлган ҳолатни барчасини айтгани, Ўткир эса унинг овозларини ёздириб олган бўлгани, бироқ уни сезмагани, шундан сўнг М.Исмоиловни олиб кетди, шундан сўнг хотини ва синглиси ўғлини кўриш учун боришгани, улар ўғли А.Мухаматжонов билан учрашишгани, шундан сўнг уларни ўғли ростдан ҳам уларни ўлдирганини айтган айтмаганини сўрагани, шунда турмуш ўртоғи ўғли уларни ўлдирмагани, Исмоилов Махмуд кимлар билан тортишиб қолганини билишини айтгани, шундан сўнг мархума келинини онасини уйига борган вақтида уйдан Мухриддинни турмуш ўртоғи чиққани,



унга турмуш ўртоғининг гапини айтган вақтида улар ИИБга кўнғироқ қилгани, ИИБ ходимлари келиб уни олиб кетгани, шундан сўнг икки марта суднинг қарори билан маъмурий қамоқ жазони ўтаб чиққанлиги, шундан сўнг дала ҳовлисига келган вақтида Ўткир дала ҳовлисини видеотасвирга олаётган бўлгани, ундан нима қилаётганини сўрагани, Ўткир унга Россия Федерациясида бўлган қизига кўрсатаётганини айтгани, укаси билан Россия Федерациясида бирга ишлаб юрган вақтида укаси доимий спиртли ичимлик истеъмол қилиб, аёллар билан бирга ётиб яша, ўша вақтда уни менсимасликни бошлагани, ўша ерда уни ҳақорат қилганидан сўнг келишмай қолгани, ўша вақтдан бери у билан низолашиб қолгани, укаси билан электр токи, табиий газ юзасидан укаси ўрталарида низо бўлмагани, турмуш ўртоғи 2-гуруҳ ногирони эканлигини, яхши юра олмаслигини, юраги касаллигини, энг кичик қизи 6 синф ўқувчиси эканлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ж.Ражапов судда, ИИБ тизимида ва эгаллаб турган Поп тумани ИИБ 1-сонли ИИБ ХПБ профилактика инспектори лавозимида 2020 йилдан бери ишлаб келаётганлиги, профилактика инспектори вазифасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, аризаларни ваколати дорасида кўриб чиқиш кабилар киришини, 2024 йил 9 август куни соат 20:45да яшаш хонадонидида бўлган вақтида кўча боши Хабибулло кўнғироқ қилиб, М.Исмоиловни оила аъзоларини пичоқлаб кетишгани ҳақида хабар бергани, хабарга асосан Поп тумани ИИБ навбатчилик қисмига хабар бериб, ўзи эса М.Исмоиловни уйига етиб борганлиги, борганида М.Исмоиловни уй олдида 1-сонли ИИБ ходимлардан иборат тунги гуруҳ ходимлари, кўшнилари ҳамда М.Исмоиловнинг қариндошлари туришганлигини кўргани, шунда у ерга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органлардан ходимлар етиб келгани, у ўша ҳудудни яхши билгани учун атрофдаги бошқа орган ходимларига йўл кўрсатиб тургани, шундан сўнг ИИБ ходимлари билан бирга А.Исмоиловнинг дала ҳовлисига тушишгани, у ерда А.Муҳаматжоновни кўришгани, у телефон аппаратини ўйнаб ўтирган бўлгани, у билан Вилоят ИИБ тезкор ходимлари суҳбатлашишгани, у ўша ердаги ўчоқни ушлаб кўрган вақтида ўчоқ иссиқ бўлгани, шунда Вилоят ИИБ тезкор ходимлари ўчоқни кўздан кечиргани, шундан сўнг битта битта одамлар Поп тумани 1-сонли ИИБ биносига олиб кетилгани, у эса экспертнинг автомашинасига мурдалар юклаб жўнатгани, муқаддам Исмоилов Аваз ва марҳуманинг онаси ўртасида жанжал бўлгани, бироқ ушбу жанжал унутилгани, судланувчи М.Муҳаматжонов муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмагани ҳақида кўрсатув берди.

Адвокат У.Жамалов иштирокида сўроқ қилинган гувоҳ Ў.Исмоилов судда, судланувчи жияни бўлишини, марҳума келини бўлишини, марҳумалар ҳам жияни бўлишини, Исмоилов Аваз ва Исмоилов Махмуд акасининг ўғиллари бўлишини, 2024 йил 9 август куни ишдан келиб, ўзига тегишли бўлган автомашиналарни ювиш шохобчасига боргани, у ерни кўриб улфатлари М.Эргашев ва бошқалари билан сув ичишгани, улар билан анча вақт гаплашиб ўтирган вақтида тез тиббий ёрдам машинаси ўтиб кетгани, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг акаси Икромжон кўнғироқ қилиб, унга



М.Исмоиловнинг болаларини сўйиб кетилганини айтгани, унинг гапларига ишонмагани, шундан сўнг воқеа жойига бормокчи бўлиб ўғли билан “Лабо” русумли автомашинада воқеа жойига боргани, ўғли билан бирга борган вақтида М.Исмоиловнинг яшаш хонадонига ИИБ ходимлари бўлгани, лента тортиб қўйган бўлгани, лентадан ўтказмагани, у ерда келин ва куёв томон бир-бирларини сўкиб турган бўлгани, орган ходимлари унга иккала томонни тинчлантириб туришни айтгани, шундан сўнг Поп туман ИИБ бошлиғи келгани, шундан сўнг ўғли билан яшаш хонадонига қайтиб келгани, шундан сўнг Махмуд акаси келиб унга моркка бориши кераклигини, марҳумларни танасини олиб келиши кераклигини айтгани, шундан сўнг унинг яшаш хонадонига юборгани, унинг автомашинасига кўрпа-тўшак юклашгани, шундан сўнг битта жасадни ёришаётганида уни расмга олгани, шундан сўнг ўша куни соат 16ларда мурдаларни машинага юклаб олиб кетишгани, шундан сўнг олиб бориб уларни қабрларга қўйишгани, шундан сўнг бир неча кундан сўнг уни Тошкентга бош прокуратурага чақиришгани, шунда терговда ҳолат юзасидан билганларини айтиб бергани, шундан сўнг судланувчи унга тухмат қилишни бошлагани, унга ўта оғир жиноятни содир қилишда тухмат қилгани, ўзининг содир қилган ишини бошқаларга тўнкашни бошлагани, уни марҳумни оила аъзолари билан муносабати яхши бўлгани, улар билан ўрталарида низо бўлмагани, 2023 йил акаси Муҳамат келиб ўғиллари Исмоилов Аваз ва Исмоилов Махмудни келиштириб қўйишни айтгани, шунда Исмоилов Авазни чақиртириб унга укаси билан ярашиб олишини айтганида Исмоилов Аваз унга қонга-қон, жонга жон деб айтгани, шундан сўнг нима учун у ерга чақирганини айтиб онаси ва отасини сўкиб кетгани, А.Исмоиловнинг дала ҳовлисини кўрсатиб турмагани, А.Исмоилов унга тухмат қилгани, моркда расмга олганини тан олгани, телефонини Поп туман ИИБ ЖҚБ ходимлари бир ой давоми текшириб чиқишгани, лекин ҳеч нарса топа олишмагани, судланувчи А.Муҳаматжонов ва унинг оила аъзолар унга тухмат қилишаётгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Хакимов судда, Чодак қишлоғидаги Ў.Исмоиловнинг автомашина ювиш шохобчасида қоровул ва иш юритувчи вазифасида ишлаб келишини, Ў.Исмоиловни 2017 йилдан бери танишини, 2024 йил 9 август куни автомашиналарни ювиш шохобчасида ўтирган вақтда соат 19:30 ларда Ў.Исмоилов уйдан чиқиб, ёнига келганлиги ва шохобчада чироғини ёқмаётганига эътироз билдирганлиги, шунга шохобчани чироғини ёқиб уни ёнига қайтиб келганлиги, шунда Ў.Исмоиловни ёнида М.Эргашев ҳам ўтирган бўлганлиги, уларни ёнига бориб, улар билан ўтирганлиги, улар ўзаро суҳбатлашиб ўтиришганлиги, ўтирганида ёнидан кетма-кет ИИБ ходимларини махсус автомашиналар ўтиб кетишганлиги, шунда улар ўзаро қишлоқда ҳодиса бўлган бўлса керак деб тахмин қилиб ўтиришгани, орадан вақт ўтиб, Ў.Исмоиловни телефони жиринглаганлиги, Ў.Исмоилов телефонига жавоб берганлиги, телефонда гаплашиб бўлгач уларга “мени жиянимни уйда воқеа бўлди” деб, ўрнидан туриб, ўзи яшаётган уйига кириб кетганлиги, орадан вақт ўтиб, тахминан соат 21:30 ларда уйдан чиқиб “Лабо” русумли автомашинасига ўтириб, “Космос” томонига



харакатлангани, у ва М.Эргашев билан дўкон олдида қолгани, соат 00:00 ларда Ў.Исмоилов дўконни олдида келганлиги, Ў.Исмоилов келган вақтда уни ёнига бориб, нима гап эканлигини сўрагани, шунда М.Эргашевга жиянларини қасддан ўлдириб кетишганини билдириб, дори воситаларини истеъмол қилиши кераклигини айтиб, уйга кириб кетганлиги, у ва М.Эргашев дўконни олдида қолишгани, 2024 йил 9 август куни Ў.Исмоилов соат 19 дан соат 21 гача бўлган давр мобайнида автомашиналарни ювиш шохобчасига чиқиб келганлиги, унинг бориб келганини кўриб турганлиги, чунки автомашина ювиш шохобчасигача масофа дўкондан тахминан 40 метрни ташкил қилиши, бошқа бирон бир жойига кетмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Амонов судда, 2024 йил 9 август куни ҳамқишлоқлари Д.Мамадиев, Б.Нажмиддинов ва Қ.Убайдуллаев билан бирга Поп тумани “Чодак” қишлоғига дам олиш учун келишмоқчи бўлишгани, сўнг унга тегишли “Дамас” русумли автомашинада Чодак қишлоғига дам олиш учун келишгани, Чодак қишлоғига кириш йўли ёқасида “дача ва телефон рақами” деган эълон бўйича Б.Нажмиддинов кўнғироқ қилиб, дала ҳовлида жой борлигини сўраганлиги, шунда дала ҳовли эгаси манзилни тушунтириб берганлиги, тушунтирган манзил бўйича ҳаракатланганида дала ҳовли эгаси қишлоқни йўлига чиқиб уларни кутиб олганлиги, шунда улар “Дамас” русумли автомашинада кутиб олган “Дамас” русумли автомашинаси орқасида ҳаракатланишганлиги, дала ҳовлига соат 12 ларда етиб келишганлиги, шунда дала ҳовли эгаси А.Исмоилов билан танишиб, у кўрсатган сўрига дўстлари билан бориб жойлашганлиги, кун давомида у ерда ўтириб, дам олишганлиги, Б.Нажмиддинов ва Д.Мамадиевлар пиво ичишганлиги, ўзи спиртли ичимликларни ичмаганлиги сабабли уларга қўшилмаганлиги, бу вақтида А.Исмоиловни дала ҳовлида юрганини кўрганлиги, шу куни тахминан соат 20:30 ларда у пиширган овқатни лаганга сузмақчи бўлган вақтида А.Исмоилов улар ўтирган сўри ёнига келиб, ўғли одамни пичоқлаб қўйганини айтиб, ИИБ ходимлари келаётганини айтиб, муаммо бўлмаслиги учун унинг дала ҳовлисидан чиқиб кетишини сўраганлиги, шунда дўстлари билан соат 21 ларда унинг дала ҳовлисидан бошқа дала ҳовлисига чиқиб кетишганлиги, у ердан соат 09 дан эртаси куни соат 13 да чиқиб кетиб, Учкўприк туманига қайтиб кетишганлиги, А.Исмоиловни аввалдан танимаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Д.Мамадиев судда, А.Амонов, Б.Нажмиддинов ва Қ.Убайдуллаев билан бирга Поп тумани “Чодак” қишлоғига дам олишга келишмоқчи бўлгани, шундан сўнг А.Амоновга тегишли “Дамас” русумли автомашинада “Чодак” қишлоғига дам олиш учун боришдан аввал Қўқон дехкон бозорига кириб у ерда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиб, соат 10 ларда бозордан чиқиб, тўғри Чодак қишлоғига ҳаракатлангани, Чодак қишлоғига кириш йўли ёқасида “дача ва телефон рақами” деган эълон бўйича Б.Нажмиддинов кўнғироқ қилиб, дала ҳовлида жой борлигини сўрагани, шунда дала ҳовли эгаси манзилни тушунтириб берганлиги, тушинтирган манзил бўйича ҳаракатланганида дала ҳовли эгаси қишлоқни йўлига чиқиб



уларни кутиб олганлиги, шунда у бошқарувидаги Дамас русумли автомашинада уларни кутиб олган одамни автомашинаси орқасида ҳаракатлангани, дала ҳовлига соат 12 да етиб келишгани, унда эгаси Авазжон билан танишиб, у кўрсатган сўрига дўстлари билан бориб жойлашгани, кун давомида у ерда ўтириб, дам олишгани, Нажмиддинов Бахтиёр билан пиво ичгани, А.Амонов спиртли ичимликларни ичмаганлиги сабабли уларга кўшилмагани, кун давомида А.Исмоиловни дала ҳовлисида юрганини кўрганлиги, шу куни соат 20:30 ларда А.Амонов пиширган овқатни лаганга сузмокчи бўлган вақтида Авазжон улар ўтирган сўри ёнига келиб, ўғли одамни пичоклаб қўйганини айтиб, уни уйига ИИБ ходимлари келаётганини айтиб, муаммо бўлмаслиги учун унинг дала ҳовлисидан чиқиб кетишини сўрагани, шунда улар соат 21 ларда унинг дала ҳовлисидан бошқа дала ҳовлига чиқиб кетишгани ҳақда кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Эргашев судда, тадбиркорлик фаолияти билан 2024 йил май ойидан бери шуғулланаётгани, Чодақ қишлоғи, “Бодомзор” кўчаси озиқ-овқат дўконни очиб, савдо фаолияти билан шуғулланиб келаётгани, дўконда иш вақти соат 07 дан 23 гача белгиланганлиги, 2024 йил 9 август куни ҳар доимгидек озиқ-овқат дўконда фаолият кўрсатаётган бўлгани, дўкон олдида автомашина ювиш шохобчаси мавжуд эканлиги, ушбу шохобча Ў.Исмоиловга тегишли эканлиги, мунтазам равишда автомашиналарни ювиш шохобчасига Ў.Исмоилов келиб туриб, маълум вақт давомида шохобчада ўтириб туришлиги, 2024 йил 9 август куни тахминан соат 19 ларда Ў.Исмоилов келиб, дўкон олдида ўзаро гаплашиб ўтиришгани, суҳбат давомида асосан якка тартибда тадбиркорлик фаолияти Ў.Исмоилов эса ўзини фаолияти юзасидан гапирганлиги, тахминан соат 21 ларда Ў.Исмоиловни телефони жиринглаганлиги, Ў.Исмоилов телефонга жавоб берганлиги, Ў.Исмоилов телефон орқали суҳбатни якунлагач, Ў.Исмоиловдан нима гап эканлиги сўрагани, шунда Ў.Исмоилов унга Икром акаси билан суҳбатлашганини, жияни М.Исмоиловни уйда турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзандларини пичоклаб кетилганлигини айтгани, шундан сўнг у ердан шошиб, ҳодиса бўлган жойига боришини айтиб, “Лабо” русумли автомашинасида Олтинкон томонига ҳаракатланганлиги, шу вақтда уларни ёнида Б.Ҳакимов ҳам бўлгани, орадан вақт ўтиб, Ў.Исмоилов қайтиб келмаганига унга кўнғироқ қилиб, келиш келмаслигини сўраганлиги, шунда у жиянини уйда эканлиги ва шу ерда ИИБ ва прокуратура ходимлари борлигини билдириб, телефонни ўчириб қўйганлиги, шундан сўнг, Ў.Исмоилов 10 август кунига ўтар кечаси соат 01 ларда дўконга қайтиб келиб, ундан ичимлик сувини сўраганлиги, унга ичимлик сувини олиб чиқиб берганлиги, шунда Ў.Исмоилов унга жияни М.Исмоиловни турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзандларини пичоклаб кетишганини билдирганлиги, воқеа бўлган вақтида Ў.Исмоилов уларнинг ёнида бўлгани, бошқа жойларга кетмаган бўлгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Холбожонов судда, ҳозирда нафақада эканлигини, Исмоилов Махмуджонни ёшлигидан таниши, М.Исмоиловни уйи унинг яшаш хонадонидан 100 метр пастроқда жойлашгани, Исмоилов Мухаматджонни



хамқишлоқ сифатида таниши, 2024 йил 9 август куни уйда Сурхондарё вилоятидан таниши С.Мамаджонов ва унинг оила аъзолари меҳмонга келгани учун уйда бўлгани, уйга профилактика инспектори унга қўнғироқ қилиб, қўшнисини ўлдириб кетишганини, уларни ким ўлдирганидан хабари бор йўқлигини сўрагани, унга бундан хабари йўқлигини айтгани, шундан сўнг қўшнисига қўнғироқ қилган вақтида қўшниси М.Исмоиловнинг оила аъзоларини ўлдириб кетганлигини айтгани, “Ғайрат” ака унга А.Исмоилов турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан машинада чиқиб кетгани, уни бу ишларда қўли борлигини айтгани, “Ғайрат” ака айтгани учун бу ишни қўпчилик қилганлигини ҳақида айтгани, у “Дамас” чиқиб кетганини кўрмагани, кирки билан урганини ҳам кўрмагани, воқеа куни келган ИИБ ходимларига ўзининг “Ласетти” русумли автомашинасида хизмат қилгани, судланувчининг шериклари борлиги дейишига қўшниси М.Исмоилов учинчи пичоқ бўлганини айтгани, ушбу пичоқни фақат қини борлигини, пичоқни ўзи йўқлигини билгани, орадан икки ой ўтгандан сўнг пичоқ уйни ичидан топилганини айтгани учун шундан кўрсатув бераётгани, биринчи пичоқ уйни томорқасидан топилгани, иккинчи пичоқ А.Исмоиловнинг дала ҳовлисидаги ариқнинг ичидан топилганини кўргани, судланувчи ва отаси кийимларни ёққанини кўзи билан кўрмагани, воқеа бўлган вақтида спиртли ичимлик истеъмол қилиб турган бўлгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ У.Махмуджонов судда, 2024 йил 9 август куни соат 16:30 ларда Абобакирнинг дала ҳовлисига овқат қолдиқларини олиш учун боргани, Абобакир билан суҳбатлашиб, овқат қолдиқларини олаётган вақтда, Абобакирни шу куни кечки вақтда бўлаётган футбол ўйинига таклиф қилгани, у футбол ўйинида иштирок этмаслигини маълум қилиб, рад жавобини бергани, шундан сўнг овқат қолдиқларини олиб, уйига қараб кетгани, шундан сўнг овқат қолдиқларини уйдаги молхона идишларига тўқиб, идишларни Абобакирга қайтариб олиб бориб берганлиги, шундан кейин, уйига қайтиб келиб, шу куни соат 20 ларгача уй ишларини ботириб, 63-сонли мактаб майдонига бориб, у ерда ўртоқлари билан тахминан соат 21:30 ларгача футбол ўйинида қатнашгани, футболдан кейин уйга қайтиб келганлиги, йўлда келаётган вақтда кўчаларда бегона одамларни кўрмаганлиги, Абобакир билан бирон-бир маротаба футбол ўйинида иштирок этмаганлиги, Абобакирни футбол ўйнаганини кўрмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Тўхтаматов судда, 2023 йилдан бери Тошкент шаҳар геология фанлар университетида таълим олиб келаётгани, А.Мухаматжоновни 2017 йилда таниганлиги, 2024 йил 10 август куни соат 18 ларда М.Исмоиловнинг уйига жаноза тадбирида иштирок этиш учун боргани, шундан сўнг дафн маросимда иштирок этиб, уйга қайтиб келгани, 2024 йил 11 ёки 12 август куни эрталаб дўконига чикқан вақтида ИИБ ходимлари келишиб, тергов ҳаракатида холис сифатида иштирок этишини сўраганлиги, шунда у рад жавобини берган вақтда унга иштирок этишини такрор сўраганида у розилик билдирганлиги, сўнг ИИБ ходими иккинчи холис ҳам керак эканини айтиб, ҳаммомдаги “Ғиёс” исмли йигитни чақиргани, шундан



сўнг “Гиёс” ва уни Чодак қишлоғидаги ИИБ биносига олиб боришганлиги, у ерга судланувчи А.Муҳаматжоновни олиб келишганлиги, шундан сўнг Чодак қишлоқдаги ИИБ биносига кириб, у ерда терговчи, икки нафар холис, судланувчи А.Муҳаматжонов, уни қўриқлаётган ходим ва видеотасвирга оладиган йигитларни иштирокида терговчи томонидан судланувчи А.Муҳаматжонов билан суҳбатлашганлиги ва судланувчи А.Муҳаматжоновга қасддан одам ўлдирган жиноят бўйича савол-жавоб қилгани, шундан сўнг терговчи судланувчи А.Муҳаматжоновга айнан қаерда нима содир қилганини кўрсатиб бериши истагини ва дастлаб қаерга бориши кераклиги сўраганлиги, шунда судланувчи А.Муҳаматжонов розилик билдирганлиги, сўнг ҳаммалари воқеа жойига “Дамас” русумли автомашинада боришгани, у ерда боришгани, ўзини уйига кириб, пичоқ ва скотч олган жойини кўрсатиб, амакиси М.Исмоиловни уйига қараб ҳаракатланишини сўраганлиги, шунда терговчи ва бошқа иштирокчилари билан судланувчи А.Муҳаматжоновни амакиси уйи ҳовлисига киришгани, у ерга киришганида судланувчи А.Муҳаматжонов шу куни дастлаб томорқа йўлагида марҳум Мухсинжонни бўйин ва қорин қисмларига пичоқ санчганини билдириб, қўли билан имо ишора қилганлиги, шундан сўнг судланувчи А.Муҳаматжонов уй томонига ҳаракатланишини сўраб, уй олдида келган вақтда судланувчи А.Муҳаматжонов кўрсатмасида уйга кириш эшигида турган амакисини турмуш ўртоғига пичоқ уриб, у қочиб кетаётган вақтда уни кетидан қувлаб, кириб кетган хонасида унга етиб олиб уни пичоқ билан танаси турли жойларига жароҳат етказганини гапириб бергани, шундан сўнг судланувчи А.Муҳаматжонов хонадан чиқиши ва уйнинг ошхона эшигини кўрсатиб, у эшикни ички томонидан беркитган марҳум Мақсадни қасддан ўлдириш мақсадида эшикни пичоқ билан очмоқчи бўлган вақтда пичоқ синиб кетганини, шундан сўнг эшикни тепиб, ичкарига кириб, ошхона столида турган ошхона пичоғини олиб, марҳум Мақсаджонни танаси турли қисмларига жароҳат етказганини билдиргани, марҳум Мақсаджонни ўлдириб бўлгач, уйда бўлган амакисини қизи Мадинани, “Мадина” деб чақириб, ундан қўрқмаслиги ва яширинган жойидан уни ёнига чиқишини сўраганлиги, шунда Мадина жавоб бермаганидан сўнг, уйдан чиқиб кетганини билдиргани, сўнг терговчи унга кейинги ҳаракатлари тўғрисида гапириб беришини сўраганида, у кейинги кўрсатувларини отасига тегишли дала ҳовлисида кўрсатмоқчилигини билдириб, иштирок этганларга у ерга боришини билдиргани, шундан сўнг тергов ҳаракати иштирокчилари шу жумладан ўзи ҳам дала ҳовлига етиб боришгани, у ерда Абобакир кириш дарвоза олдида синган пичоқни ташлаб юборган жойини кўрсатгани, шундан сўнг пичоқнинг тиғ қисмини ташлаб юборгани ва эғнидаги кийимларини ёқиб юборган ўчоқни кўрсатгани, шундан сўнг терговчи тергов ҳаракати якунлаш учун Чодак қишлоқдаги ИИБ биносига қайтиб боришини ва у ерда ҳужжатларини имзолаб бериши лозимлиги айтгани, шундан сўнг барчаси Чодак қишлоғи ИИБ биносига қайтиб бориб, у ерда терговчи томонидан судланувчи А.Муҳаматжоновни сўзидан ёзилган баённомани иштирок этганларга танишиб чиқиш учун тақдим этгани, у баённомани уқиб чиқиб,



судланувчи А.Муҳаматжоновни сўзларидан ёзилгани учун имзолаб бергани, шундан сўнг унга ва иккинчи холисга жавоб беришгани, ушбу жараёндан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан судланувчи А.Муҳаматжоновга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳаракатлар содир қилинмагани, судланувчи ўзи ихтиёрий, эркин кўрсатув бергани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ У.Турсунов судда, РСТИАМНФ Поп туман бўлими эксперти вазифасида ишлаши, ҳолат бўйича мархума М.Рахматова, марҳумлар Муҳаматжонов Мақсаджон ва Мухсинжонларнинг мурдаси бўйича экспертиза хулосасини бергани, Суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги 72/72-сонли хулосасига кўра, Мухсинжон Муҳаматжоновнинг ўлимига ҳаётийлик даврида ташқи ва ички қон кетишига олиб келган - қорин бўшлиғига тешиб кирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида қорин мушакларини, қорин пардани, жигарни, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини жароҳатлаган, бўйин очик шикасти бўйин мушакларини, қон томирларини, трахеяси, нерв толаларини жароҳатлаган ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлгани, суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги 73/73-сонли хулосасига кўра, М.Рахматованинг ўлимига ҳаётийлик даврида ички ва ташқи қон кетишига олиб келган кўкрак ва қорин бўшлиғига тешиб кирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида кўкрак, қорин мушакларини, плевра, қорин пардаларини, чап ўпкани, чап буйракни, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини, чап паранефрал клетчаткани жароҳатлаган, бўйин очик шикасти, бўйин мушакларини, қон томирларини, трахеяни, нерв толаларини жароҳатлаган ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлгани, суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги 71/71-сонли хулосасига кўра, Мақсаджон Муҳаматжоновнинг ўлими ҳаётийлик даврида ички ва ташқи қон кетишига олиб келган, кўкрак ва қорин бўшлиғига тешиб кирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида кўкрак ва қорин мушакларини, ўпкаларни, жигарни, диафрагмани, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини жароҳатлаган, бўйин очик шикасти, бўйин мушакларини, бўйинтуруқ венаси, трахеяни жароҳатлаган ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлгани ҳақида хулоса бергани, бироқ мурдаларнинг калла суягида жароҳат бўлмаган, марҳумлар ва марҳумаларга етказилган жароҳатларга ўз вақтида тиббий ёрдам берилганида ҳам уларнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони йўқлигини, чунки уларга етказилган тан жароҳатлари ҳаёт учун хавфли бўлган бўйин қисмига етказилган бўлгани, Наманган вилоят прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими АМИБ терговчиси М.Ж.Насриддиновнинг 2024 йил 10 августдаги қарорига кўра судланувчи А.Муҳаматжоновга нисбатан суд тиббий экспертизаси ўтказгани, унга кўра судланувчи А.Муҳаматжоновнинг чап қўл 1- ва 5-бармоқларидаги юзаки кесилган яралар ўткир кесувчи, чап 3-бармоқ кафт соҳасидаги, иккала тизза бўғимидаги шилинмалар чегараланган юзали, ўтмас қаттиқ жисм таъсирида юзага келгани, ушбу тан жароҳатлар соғлиқни бузилишига сабабчи бўлмаган енгил шикастлар тоифасига кириши, судланувчи А.Муҳаматжоновнинг қўлидаги ушбу тан жароҳатлар кураш,



ўзини-ўзи ҳимоя қилиш хос жароҳатлар эканлиги кўрсатилган ҳақида кўрсатув берди.

Суд ҳайъати давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчиларнинг қонуний вакили Т.Рахмонова ва М.Исмоилов, судланувчи А.Муҳаматжоновнинг кўрсатувларини, адвокатлар А.Ниёзов ва Ф.Имомназарованинг фикрини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, А.Муҳаматжонов судда айбига иқдор бўлмаган бўлса-да, унинг жиноят содир этганликдаги айби, жабрланувчиларнинг қонуний вакиллари кўрсатувлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш, нарсани олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённомалар, фотожадваллар, Суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги марҳум Мухсинжон Муҳаматжоновнинг ўлимига ҳаётийлик даврида ташқи ва ички қон кетишига олиб келган - қорин бўшлиғига тешиб кирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида қорин мушакларини, қорин пардани, жигарни, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини жароҳатлаган, бўйин очик шикасти бўйин мушакларини, қон томирларини, трахеяси, нерв толаларини жароҳатлаган ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлганлиги ҳақидаги 72/72-сонли хулосаси, суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги М.Рахматованинг ўлимига ҳаётийлик даврида ички ва ташқи қон кетишига олиб келган кўкрак ва қорин бўшлиғига тешиб кирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида кўкрак, қорин мушакларини, плевра, қорин пардаларини, чап ўпкани, чап буйракни, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини, чап паранефрал клетчаткани жароҳатлаган, бўйин очик шикасти, бўйин мушакларини, қон томирларини, трахеяни, нерв толаларини жароҳатлаган ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлганлиги ҳақидаги 73/73-сонли хулосаси, суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги Мақсаджон Муҳаматжоновнинг ўлими ҳаётийлик даврида ички ва ташқи қон кетишига олиб келган, кўкрак ва қорин бўшлиғига тешиб кирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида кўкрак ва қорин мушакларини, ўпкаларни, жигарни, диафрагмани, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини жароҳатлаган, бўйин очик шикасти, бўйин мушакларини, бўйинтуруқ венаси, трахеяни жароҳатлаган ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлган 71/71-сонли хулосаси билан, стационар тартибда ўтказилган суд психологик-психиатрик экспертизасининг 2024 йил 23 сентябрдаги А.Муҳаматжонов муомалага лаёқатли деб топилган ва унинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, кўрсатув бериши, тергов ва суд жараёнида қатнаша олиши ҳамда у мазкур жиноятни тўғри қасддан онгли равишда содир этганлиги кўрсатилган 269-сонли хулосаси, РСТИАМНА Поп туман бўлинмасининг 2024 йил 14 августдаги судланувчи А.Муҳаматжоновнинг танасидаги тан жароҳатлари - чап қўл 1- ва 5-бармоқларидаги юзаки кесилган яралар ўткир кесувчи, чап 3-бармоқ кафт соҳасидаги, иккала тизза бўғимидаги шилинмалар чегараланган юзали, ўтмас қаттиқ жисм таъсирида юзага келгани, ушбу тан жароҳатлар соғлиқни бузилишига сабабчи бўлмаган енгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган 1377/1652-сонли экспертиза хулосаси ва судланувчи А.Муҳаматжоновнинг иқдорлик аризалари,



2024 йил 19 августдаги М.Рахматованинг яшаш хонадонидаги эшикда аниқланган бармоқ излари бўйича дактилоскопия экспертизасининг 7064-сонли хулосаси, 2024 йил 19 августдаги ҳодиса жойидан олинган рўзғор пичоққида аниқланган бармоқ излари бўйича дактилоскопия экспертизаси 7065-сонли хулосаси билан, 2024 йил 11 августдаги А.Муҳаматжоновнинг кўрсатувларини ҳодиса жойида текшириш баённомаси ва фотожадвали, 2024 йил 23 августдаги ҳодиса жойидан олинган рузғор пичоқда аниқланган қон доғлари бўйича суд биология экспертизаси 275-сонли хулосаси билан, 2024 йил 30 августдаги Мухсинжон Муҳаматжоновни кийимлари бўйича тиббий криминалистика экспертизаси 186-сонли хулосаси билан, Мохира Рахматовани кийимлари бўйича тиббий криминалистика экспертизаси 185-сонли хулосаси билан, 2024 йил 26 декабрдаги М.Рахматованинг хонадон эшиги ва эшик рамкаси бўйича суд трассология экспертизасининг 2683-сонли хулосаси билан ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Муҳаматжоновнинг рўзғор учун фойдаланиладиган пичоқни олиб, қуролланган ҳолда амакиси М.Исмоиловнинг хонадонига кириб, дастлаб хонадон ҳовлисида томорқа томонига ҳаракатланиб кетаётган, М.Исмоиловнинг 14 ёшга тўлмаган вояга етмаган Муҳаматжонов Мухсинжон Махмуджон ўғлини орқасидан югуриб етиб олиб, уни ожиз аҳволда эканлигини била туриб, қўлидаги пичоқ билан ҳаёт учун муҳим аъзоси бўлган бўйин қисмига сўнгра қорин ва кўкрак қисмларига, ўта шафқатсизлик кўп маротаба санчилган, кесилган жами 29 маротаба жароҳатлар етказиб, уни қасддан ўлдирганлиги, шундан сўнг, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, яшаш хонаси эшигидан уни ҳаракатларини кузатиб турган, сўнг жон сақлаш учун қочаётган М.Рахматовани қасддан ўлдириш мақсадида ортидан ётоқхонасига қадар қувиб етиб олиб, қўлидаги пичоқ ёрдамида М.Рахматованинг ҳаёти учун муҳим ҳисобланган бўйин ва кўкрак қисмларига кўплаб, санчилган, кесилган жами 42 маротаба жароҳатлар етказиб, уни қасддан ўлдирганлиги ҳамда ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, унинг бу ҳаракатларидан кўрқиб, хонадон ошхонасига кириб яшириниб олган Муҳаматжонов Мақсаджон Махмуджон ўғлини қасддан ўлдириш мақсадида, қўлидаги пичоқ ёрдамида ичкаридан қулфланган ошхона эшигини очаётганида пичоқ синганлиги учун эшикни тепиб очган ва шу хонада стол устида турган ошхона пичоғини қўлига олиб, М.Муҳаматжоновни қасддан ўлдириш мақсадида қўлидаги пичоқ ёрдамида, ўта шафқатсизлик билан қорин ва кўкрак қисмларига кўплаб, санчилган, кесилган жами 39 маротаба жароҳатлар етказиб, уни қасддан ўлдирганлиги шундан сўнг, А.Муҳаматжонов жиноят изларини йўқотиш мақсадида М.Рахматованинг “Samsung” русумли уяли телефон аппаратини ва шу хонадон ошхонасидан олган ошхона пичоғини томорқа томонига отиб юбориб, ўзи билан олиб келган синган пичоқни чўнтагига солиб, ҳодиса жойидан қочиб яширинганликдан иборат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “а,в,ж” бандлари билан тўғри малакаланган.



Суд судланувчи А.Мухаматжоновнинг мархума М.Рахматовани, мархумлар Мухаматжонов Мақсад ва Мухсинжонни қасддан ўлдирмагани, уларни ниқобли шахслар олдиргани ва ушбу жиноятини у бўйнига олишини, агар олмаса унинг ҳам оиласини шу ҳолатга тушириш билан қўрқитганлик ҳақидаги, химоячи-адвокат А.Ниёзовнинг ушбу жиноятни бошқа шахслар содир этгани ҳақидаги, адвокат Ф.Имомназарованинг ушбу жиноятни А.Мухаматжонов ва унинг яқин қариндошлари томонидан содир этилгани, шу сабабли жиноят ишини ЖПКнинг 417-моддаси асосида дастлабки терговга қайтариш ҳақида келтирган важларини:

-судланувчи А.Мухаматжоновнинг Поп туман прокурори ва Поп туман ИИБ бошлиғи номига “2024 йил 9 август куни соат 21:00ларда яшаш хонадонимизга келдим, яшаш хонадонимизда электр токи йўқ эди, қўшниларикида бор, шундан сўнг қўшнимиз ва қариндошимиз бўлган амаким Махмудни уйдан чиқиб бизни яшаш хонадонимиз электр токини ким ўчирганини сўрадим, бунга сабаб Махмуд амакимни ўғиллари Мақсад ва Мухсинлар ёки уларнинг онаси Мохира бизни хонадонимиз электр токини ўчириб қўяр эди, шу масалада уларни яшаш хонадонидида Мохира опа, Мақсад билан ўзаро тортишиб, жанжаллашиб кетдик, улар мени турли ҳақоратли сўзлар билан сўкиб ташлади. Ташқарига чиққанимда эшик олдида қора рангли пичоқ бор эди. Шу пичоқ билан қайтиб уйга кирдим ва Мохирани бўйин қисмига бир маротаба урдим, Мақсад менга қаршилиқ кўрсатди. Мақсадни ҳам танасини турли жойларига пичоқ билан уриб, санчиб ташладим, улар мендан қоча бошлади, шу орада Мохирани танасини турли жойларига бир неча маротаба пичоқ урдим. Бу хонада Мақсадни синглиси Мадина ҳам бор эди, Мадина бу ҳолатларни кўриб, диван тагига беркиниб олган экан. У ердан чиқишини сўрасам, у ердан чиқмади. Шундан сўнг ташқарига чиқдим. Ташқарида Мухсин бор эди. Аввалига Мухсинни хонадондан олган скоч билан оёқ қўлларини боғламоқчи бўлдим, лекин Мухсин қаршилиқ қилди. Мухсинни ҳам мен қилган ишларга гувоҳ бўлмаслиги учун танасининг бир неча жойларига пичоқ уриб, ўлдирдим ва яшаш хонадорнимизга бордим. Қилган ишларимни аввалига отам Исмоилов Авазга айтсам ишонмади. Орадан бир неча вақт ўтиб, бувам Исмоилов Мухаммаджон Махмуд амакимни яшаш хонадонига бориб, Мухсин, Мақсад, Мохира опаларни жасадларини кўриб отам Исмоилов Авазга қўнғироқ қилди ва шу орада тўполон бошланиб кетди. Қилган ишимдан пушаймонман. Менга нисбатан қонуний енгиллик беришингизни сўрайман” деб ёзган айбига иқрорлик аризаси билан;

- судланувчи А.Мухаматжонови Поп туман прокурори номига “2024 йил 9 август куни соат 21:00 ларда танишларим футбол ўйнаш учун уйга келган вақтимда, уйда свет ўчганлигини кўрдим ва ушбу светни ҳам олдин бизни яшаш хонадонимизга қўшни бўлган амаким Махмудни уйдан ўчириб қўйса бўларди, шу сабабли билиш учун уларнинг уйларига чиқиб, амаким Махмудни уйига кириб, унинг



турмуш ўртоғи билан гаплашиб, бизнинг уйни светини сизлар ўчириб қўйдиларингми десам, келин опам Мохира бизни уйни светини ўчирмаганлигини айтди, шунда амакиваччам Мақсад ўзларинг яшаш уйларини светини ўчираман деб, бизни уйни ҳам светини ўчириб қўйганлигини айтди, сўнг мен Мохира келин опамга ана ўғлинг ўчирган экану манга сан ўчирмадинг деб айтинку деб, унга аччиқ қилиб, жанжаллашдим ва ташқарига чиқиб, бетонни устида турган қора сомли пичокни олиб, ичкарига қайтиб кириб, дастлаб Мохира келин опамни бўйнига пичоқ билан урдим ва ундан кейин кейинги хонадаги Мақсадни пичоқладим ва ташқарига чиқиб, қўлимдаги қора сопли пичокни ховлини агарат қисмига отиб юбордим ва ховлига қарасам Мухсин итга овқатини бераётган экан, сўнг хонани ичига кириб, қора сомли пичокни ва скочни олиб, скоч билан Мухсинни ўрамоқчи бўлдим, лекин уни орқасидан бориб, қора сомли пичоқ билан уриб ўлдирдим. Сўнг қўлимдаги қора сомли пичокни ўзим билан дачага олиб бориб, ўчоқни ёнига бордим. Мени устида футболкам қора рангли ва қора рангли трикода ҳамда оёғимда ҳозир кийиб юрган тапичкам бўлган эди. Қора рангли футболка ва трикомни ўчоқхонадаги биринчи ўчоқда ёкиб юбордим, ва қўлимдаги қора сопли пичокни дачани ташқарисидаги арикқа ташлаб юбордим. Шундан сўнг дадамга бобом телефон қилиб, амакимни уйида болалари ва келин опам ўлиб ётганини айтиб телефон қилганида дадам мени олиб, бувимни уйига олиб бориб ташади. Онам ўша ерда эди. Сўнг мен, онам ва бувим билан қолдим, дадам аммамни олиб ўша ерга кетдилар, бўлган ҳолат шулардан иборат, тушунтириш хати мени сўзимдан тўғри ёзилди, ўқиб танишдим, қўшимча эътирозим йўқ” деб ёзган тушунтириш хати;

-жабрланувчининг қонуний вакили Т.Рахмонованинг “2024 йил 9 август куни шом намозини ўқиб чиққандан сўнг марҳума қизи Мохира билан автомашинага кўрпача тикиб, билан гаплашиб ўтиришгани, Мохира унга қайнотаси келиб Мақсаджонни автомашинани бошқаргани учун уришганини айтгани, шундан сўнг қизи ҳам уни уйида намозини ўқиб, ўзининг яшаш хонадонига чиқиб кетгани, шундан сўнг келини билан бирга кечки овқатни егани, ўғли ва турмуш ўртоғи ишда бўлгани, уйда катта келини билан бирга қолган бўлгани, хуфтон намозини ўқиб бўлганидан сўнг синглиси билан телефонда гаплашиб турган вақтида набираси Мадина унинг олдида йиғлаб келиб акаларини амакиси Абобакир ўлдириб кетганини айтгани, унинг гапларига ишонмагани, уни қўлидан ушлаб Мархабо келинини уйига чиққани, шунда Мархабо келинига қизини ўғилларини Абобакир ўлдириб кетганлигини айтганида Мархабо уни билмаслигини айтгани, шундан сўнг Мадинани қўлини ушлаб ташқарига чиққан вақтида Марохабо келиб Мадинани бобоси келди дегани, шунда Мадина унга бобоси уни қувлаб келганини у эшикни қлуфлаб келганини айтгани, шундан сўнг у Мадинани олиб қўшниларининг уйига чиққани, қўшниларининг ҳаммасини эшиги кулф бўлгани, кейин “Бихамида” деган қўшниси чиққани, шунда



қудаси Муҳаммаджон унга қизини Аваз ўлдирганлигини айтгани, унга “мени итимни итим еди” дегани, Мадинани орқасидан келиб шунақа дегани, шундан сўнг яна қўшниларни чақирган вақтида ҳамма кўчага чиққани, улар билан бирга қизининг уйига боришгани, ўша вақтида ўғли ҳам ишдан келган бўлшгани, бақир-чақирни эшитиб у ҳам чиққан бўлгани, у хатто ўғлини югуриб чиққани ҳам кўрмагани, кейин Мадинани Мархабо келинига ташлаб кетгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари келиб набираси Мадинани сўроқ қилгани, шундан сўнг набираси Мадинани соғлиги ёмонлашгани, шундан сўнг уни “Бахромжон” исмли шифокорга кўрсатишгани, бир неча кундан сўнг Саида келиб Мадинани Тошкент шаҳрига олиб кетгани, ўша ерда Мадина даволангани, набираси Мадина ўша куни уни олдиға келган вақтида акаларига пичокни Абобақир санчганини айтиб, қорнини ушлаб тинмасдан йиғлагани, куёви унга қизини акаси Аваз ўлдирганлигини айтаётгани, мархума ва мархумларни судланувчи Абобақирни ўзи ўлдирмагани, унга унинг отаси Исмоилов Аваз, судланувчининг онаси, ва синглиси ҳамда унинг бобоси Муҳаммаджон ҳам бўлган” деб берган кўрсатуви;

-жабрланувчининг қонуний вакили М.Исмоиловнинг “мархума М.Рахматова унинг турмуш ўртоғи бўлишини, мархумлар Мақсаджон ва Муҳсинжонлар унинг ўғли бўлишини, Исмоилов Аваз унинг акаси бўлишини, акаси билан 2015 йил бирга Россия давлатида бирга ишлаб юрган вақтларида ўрталарида низолар сабабли у билан гаплашмай қўйгани, 2023 йилда ит боққани, ит “Қўтир” касаллигига учрагани, шундан сўнг ҳамқишлоғига 20.000 сўм бериб, итни бошқа жойга ташлаб келишини айтгани, уйдаги зинада ўтирган вақтида акаси А.Исмоилов маст ҳолатда келгани, акасига итни икки марта ташлаб келгани бироқ ит уйга қайтиб келганини айтгани, шундан сўнг акасига унинг автомашинаси борлигини, итни қопга солишини, уни узоқроқ ерга ташлаб келишини айтгани, шундан сўнг итни ушлаб қопга солгани, шунда акаси гаражни олдида бўлган оғир темирни олиб, итнинг калласига бир неча маротаба ургани, шунда акасига нима қилганлигини айтганида акаси унга итни ўлгани яхши эканлигини айтиб итни ўлдиргани, шундан сўнг унга акаси А.Исмоилов мархума хотинини жалаб дегани, акаси хотини жалап бўлса исботлаб беришини айтгани, шунда акаси унга хотинини онасини чақиришини айтгани, шунда у хотинини онаси Т.Рахмоновани чақиргани, шунда акаси А.Исмоилов гапиришни бошлаганида Т.Рахмонова уларни телефонга видеога олишни бошлагани, шунда акаси Т.Рахмонованинг телефони олмоқчи бўлганида қўли Т.Рахмоновага тегиб тан жароҳати етказгани, кейин уларни ажратгани, акаси А.Исмоилов телефони олиб ерга уриб синдиргани, шундан сўнг уларни ажратиб қўйишгани, шундан Т.Рахмонова ва акасини ҳамқишлоқдаги одамлар орасига тушиб уларни яраштириб қўйгани, шундан сўнг у яна Россия федерациясига ишлаш учун кетгани, шунда ўғли Мақсаджон унга автомашина олишини



айтгани, шунда автомашинани ўзининг номига олишини айтгани, шунда ўғли “Дамас” автомашинаси олгани айтгани, 2024 йил 9 август куни турмуш ўртоғи унга қўнғироқ қилиб, Мақсаджон укасини ва синглисини олиб, айлантирган олиб кетганини айтгани, ўша куни соат 19:58 да унга турмуш ўртоғи қўнғироқ қилгани, фарзандлари билан бирга овқатланиб ўтирган бўлишгани, шунда ўғли Мақсаджонга автомашинани хужжатлари бўлмагани учун бошқармаслигини айтгани, шунда ўғли Мақсаджон унга, у Россия давлатидан келмагунча автомашинани бошқармаслигини айтиб сўз бергани, шундан сўнг ўғли ташқарига чиқиб кетгани, у эса турмуш ўртоғи билан бир ёки икки дақиқа гаплашиб тургани, шундан турмуш ўртоғи ташқари томонга чиқиб тожик тилида “ўлди, ўлди” дегани, шунда телефоннинг экрани қоронғилашиб кетгани, ўша вақтида турмуш ўртоғи ҳам пичокни урган бўлган, уларни ўлдирган шахс телефонни ўчирмаган бўлган, ўша ерда акасининг ҳам овозини эшитган бўлгани, у ерда аёллар ҳам бўлгани, уларнинг ҳам овозини эшитгани, шундан сўнг қўнғироқ ўчгани, шундан сўнг бир неча маротаба қўнғироқ қилган вақтида телефон жиринглагани, бироздан сўнг телефон аппарати ўчгани, шукни соат 20:35да телефон аппарати яна ишлагани, телефондаги “Whatsapp” иловаси ишлагани, биров унга қўнғироқ кетмагани, шундан сўнг онасига қўнғироқ қилгани, соат 21:06да онаси билан телефон орқали гаплашган бўлгани, онасидан отасини қўрагани, онаси телефон аппаратини отасига бергани, у отасига ўғли ўлганини айтгани, шунда отаси унга турли саволларни бериб 5 дақиқа вақт кетгани, отасига уйига боришини айтгани, шунда отаси унинг яшаш хонадонига боргани, унга телефон орқали хотинини ва катта ўғлиги бандитлар сўйиб кетибди дегани, шундан сўнг Россия Федерациясидан Ўзбекистон Республикасига қайтиб келгани, турмуш ўртоғи ва фарзандларини жияни Абобакирнинг ўзи ўлдирмагани, ўғли жисмонан бақувват бўлгани, уларга унинг бир ўзини кучи етмаслигини, судланувчининг шериклар бўлган” деб берган кўрсатуви билан;

-Қонуний вакили иштирокида сўроқ қилинган вояга етмаган М.Мухаммаджонованинг “мархума М.Рахматова унинг онаси бўлишини, мархумлар Мақсаджон ва Мухсинжон акаси бўлишини, судланувчи А.Мухаматжонов амакисини ўғли бўлишини, уни “Абу” деб чақиришини, амакиси А.Исмоиловни “Аваз” деб чақиришини билдириб, дастлаб судда 2024 йил 9 август куни онаси ва акалари билан бирга отаси билан телефонда гаплашишгани, акалари алоҳида хонада бўлгани, шу вақтида “Абу” келиб акаларига пичок тикқани, ойисига ҳам пичок тикқани, “Аваз” қулидан ушлаб тургани, уй ойнадан қараб тургани, у диванни остига кириб яшириниб олгани, шунда “Абу” “Мадина” чик деди, у чикмагани, ташқарида “Аваз” қўлидан ушлаб тургани, уйни ичида “Абу” пичок тикқани, у ерда “Абу”ни ойиси, “Муби” бор бўлгани, терговда берган кўрсатувларини ўзгариб қолишига кейин бўлган ҳолатни эслаб кўрсатув бергани ҳақида кўрсатув бериб, кўрсатувлари



якуни бўйича ўша куни “Абу” уйларига келиб акалари ва онасига пичоқ тикқани, “Абу”ни иккита пичоғи бўлгани, бундан ташқари унинг қўлида скотч ҳам бўлгани, “Абу”ни онаси ва акаларининг кўкрак қафасига ва қорин қисмига пичоқ тикқанини кўргани, шундан сўнг эшикни қулфлаб қўйгани, шунда “Абу” эшикни синдириб киргани, онаси ва акаларини “Абу” ўзи ўлдиргани, унинг онаси ва синглиси “Аваз” борлигини ўзи ўйлаб топгани” ҳақида берган кўрсатуви билан;

-гувоҳ М.Тўхтаматовнинг судда “2023 йилдан бери Тошкент шаҳар геология фанлар университетида таълим олиб келаётгани, А.Мухаматжоновни 2017 йилда таниганлиги, 2024 йил 10 август куни соат 18да М.Исмоиловнинг уйига жаназа тадбирида иштирок этиш учун боргани, шундан сўнг дафн маросимда иштирок этиб, уйга қайтиб келгани, 2024 йил 11 ёки 12 август куни эрталаб дўконига чиққан вақтида ИИБ ходимлари келишиб, тергов ҳаракатида ҳолис сифатида иштирок этишини сўраганлиги, шунда у рад жавобини берган вақтда унга иштирок этишини такрор сўраганида у розилик билдирганлиги, сўнг ИИБ ходими иккинчи ҳолис ҳам керак эканини айтиб, ҳаммомдаги “Ғиёс” исмли йигитни чақиргани, шундан сўнг “Ғиёс” ва уни Чодак қишлоғидаги ИИБ биносига олиб боришганлиги, у ерга судланувчи А.Мухаматжоновни олиб келишганлиги, шундан сўнг Чодак қишлоқдаги ИИБ биносига кириб, у ерда терговчи, икки нафар ҳолис, судланувчи А.Мухаматжонов, уни кўриқлаётган ходим ва видеотасвирга оладиган йигитларни иштирокида терговчи томонидан судланувчи А.Мухаматжонов билан суҳбатлашганлиги ва судланувчи А.Мухаматжоновга қасддан одам ўлдирган жиноят бўйича савол жавоб қилганлиги, шундан сўнг терговчи судланувчи А.Мухаматжоновга айнан қаерда нима содир қилганини кўрсатиб бериши истагини ва дастлаб қаерга бориши кераклиги сўраганлиги, шунда судланувчи А.Мухаматжонов розилик билдирганлиги, сўнг ҳаммалари воқеа жойига “Дамас” русумли автомашинада боришгани, у ерда боришгани, ўзини уйига кириб, пичоқ ва скотч олган жойини кўрсатиб, амакиси М.Исмоиловни уйига қараб ҳаракатланишини сўраганлиги, шунда терговчи ва бошқа иштирокчилари билан судланувчи А.Мухаматжоновни амакиси уйи ҳовлисига киришгани, у ерга киришганида судланувчи А.Мухаматжонов шу куни дастлаб томорқа йўлагига марҳум Мухсинжонни бўйин ва қорин қисмларига пичоқ санчганини билдириб, қўли билан имо ишора қилганлиги, шундан сўнг судланувчи А.Мухаматжонов уй томонига ҳаракатланишини сўраб, уй олдида келган вақтда судланувчи А.Мухаматжонов кўрсатмасида уйга кириш эшигида турган амакисини турмуш ўртоғига пичоқ уриб, у қочиб кетаётган вақтда уни кетидан қувлаб, кириб кетган хонасида унга етиб олиб уни пичоқ билан танаси турли жойларига жароҳат етказганини гапириб бергани, шундан сўнг судланувчи А.Мухаматжонов хонадан чиқиши ва уйнинг ошхона эшигини кўрсатиб, у эшикни ички томонидан беркитган марҳум Мақсадни қасддан ўлдириш мақсадида эшикни пичоқ



билан очмоқчи бўлган вақтда пичоқ синиб кетганини, шундан сўнг эшикни тегиб, ичкарига кириб, ошхона столида турган ошхона пичоғини олиб, марҳум Мақсаджонни танаси турли қисмларига жароҳат етказганини билдиргани, марҳум Мақсаджонни ўлдириб бўлгач, уйда бўлган амакисини қизи Мадинани, “Мадина” деб чақириб, ундан кўрқмаслиги ва яширинган жойидан уни ёнига чиқишини сўраганлиги, шунда Мадина жавоб бермаганидан сўнг, уйдан чиқиб кетганини билдиргани, сўнг терговчи унга кейинги ҳаракатлари тўғрисида гапириб беришини сўраганида, у кейинги кўрсатувларини отасига тегишли дала ҳовлисида кўрсатмоқчилигини билдириб, иштирок этганларга у ерга боришини билдиргани, шундан сўнг тергов ҳаракати иштирокчилари шу жумладан ўзи ҳам дала ҳовлига етиб боришгани, у ерда Абобакир кириш дарвоза олдида синган пичоқни ташлаб юборган жойини кўрсатгани, шундан сўнг пичоқнинг тўғ қисмини ташлаб юборгани ва эғнидаги кийимларини ёқиб юборган ўчоқни кўрсатгани, шундан сўнг терговчи тергов ҳаракати яқунлаш учун Чодак қишлоқдаги ИИБ биносига қайтиб боришини ва у ерда ҳужжатларини имзолаб бериши лозимлиги айтгани, шундан сўнг барчаси Чодак қишлоғи ИИБ биносига қайтиб бориб, у ерда терговчи томонидан судланувчи А.Муҳаматжоновни сўзидан ёзилган баённомани иштирок этганларга танишиб чиқиш учун тақдим этгани, у баённомани ўқиб чиқиб, судланувчи А.Муҳаматжоновни сўзларидан ёзилгани учун имзолаб бергани, шундан сўнг унга ва иккинчи ҳолисга жавоб беришгани, ушбу жараёндан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан судланувчи А.Муҳаматжоновга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳаракатлар содир қилинмагани, судланувчи ўзи ихтиёрий, эркин кўрсатув бергани” ҳақида кўрсатув билан;

-гувоҳ У.Турсуновнинг судда “РСТИАМНФ Поп туман бўлими эксперти вазифасида ишлаши, ҳолат бўйича марҳума М.Рахматова, марҳумлар Муҳаматжонов Мақсаджон ва Мухсинжонларнинг мурдаси бўйича экспертиза ҳулосасини бергани, Суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги 72/72-сонли ҳулосасига кўра, Мухсинжон Муҳаматжоновнинг ўлимига ҳаётийлик даврида ташқи ва ички қон кетишига олиб келган - қорин бўшлиғига тешиб кирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида қорин мушакларини, қорин пардани, жигарни, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини жароҳатлаган, бўйин очик шикасти бўйин мушакларини, қон томирларини, трахеяси, нерв толаларини жароҳатлаган ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлгани, суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги 73/73-сонли ҳулосасига кўра, М.Рахматованинг ўлимига ҳаётийлик даврида ички ва ташқи қон кетишига олиб келган кўкрак ва қорин бўшлиғига тешиб кирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида кўкрак, қорин мушакларини, плевра, қорин пардаларини, чап ўпкани, чап буйракни, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини, чап паранефрал клетчаткани жароҳатлаган, бўйин очик шикасти, бўйин мушакларини, қон



томирларини, трахеяни, нерв толаларини жароҳатлаган ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлгани, суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги 71/71-сонли хулосасига кўра, Мақсаджон Мухаматжоновнинг ўлими ҳаётийлик даврида ички ва ташқи қон кетишига олиб келган, кўкрак ва қорин бўшлиғига тешиб қирувчи санчилган-кесилган, ўз йўлида кўкрак ва қорин мушакларини, ўпкаларни, жигарни, диафрагмани, ичакларни, чарвиларни, ичак тутқичини жароҳатлаган, бўйин очик шикасти, бўйин мушакларини, бўйинтуруқ венаси, трахеяни жароҳатлаган ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сабаб бўлгани ҳақида хулоса бергани, бироқ мурдаларнинг калла суягида жароҳат бўлмаган, марҳумлар ва марҳумаларга етказилган жароҳатларга ўз вақтида тиббий ёрдам берилганида ҳам уларнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони йўқлигини, чунки уларга етказилган тан жароҳатлари ҳаёт учун хавфли бўлган бўйин қисмига етказилган бўлгани, Наманган вилоят прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими АМИБ терговчиси М.Ж.Насриддиновнинг 2024 йил 10 августдаги қарорига кўра судланувчи А.Мухаматжоновга нисбатан суд тиббий экспертизаси ўтказгани, унга кўра судланувчи А.Мухаматжоновнинг чап қўл 1- ва 5-бармоқларидаги юзаки кесилган яралар ўткир кесувчи, чап 3-бармоқ кафт соҳасидаги, иккала тизза бўғимидаги шилинмалар чегараланган юзали, ўтмас қаттиқ жисм таъсирида юзага келгани, ушбу тан жароҳатлар соғлиқни бузилишига сабабчи бўлмаган енгил шикастлар тоифасига кириши, судланувчи А.Мухаматжоновнинг қўлидаги ушбу тан жароҳатлар кураш, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш хос жароҳатлар эканлиги кўрсатилган ҳақида” берган кўрсатув билан танқидий баҳолаб, уларни асоссиз деб ўйлаб, уларни рад қилади.

Суд ҳайъати, судланувчи А.Мухаматжоновга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

25-моддасида, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;



54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилган.

Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлик учун ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми санкциясида ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши кўзда тутилган.

ЖКнинг 51-моддасига кўра, умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланган.

Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларига риоя қилиб, судланувчининг шахсини ва содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атворини инобатга олиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини танлашда:

Ушбу қарорнинг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

30¹-бандида, Жиноят кодекси 51-моддасига мувофиқ, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (ЖК 155-моддасининг учинчи қисми) учун тайинланиши, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллаш масаласини ҳал этишда, судлар бу турдаги жазо фавқулодда жазо бўлиб, фақат ишда жавобгарликни оғирлаштирадиган алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлгандагина тайинланиши мумкинлигини ва маҳкумни жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборат бўлишини ҳисобга олишлари лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 27-бандида, қасддан одам ўлдириш учун жазо тайинлашда ушбу жиноят содир этилишидаги барча ҳолатлар: қасд тури, қотиллик сабаблари, мақсади, усули, жиноят содир этилган вазият ва жиноят босқичи, шунингдек, айбдорнинг шахси, унинг ўз қилмишига муносабати, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олиниши зарурлиги, айти пайтда жабрланувчининг шахсига оид



маълумотлар, унинг судланувчи билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, қотиллик содир этилмасдан олдинги хулқ-атвори ўрганилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги “Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 15-сонли Қарорининг 3-бандида, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллаш масаласини ҳал этишда суд мазкур жазо, фақат иш бўйича айбдор томонидан ғайриинсоний ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйилганлигидан, шунингдек жиноятни содир этган шахс жамият учун мутлоқ хавфли эканлигидан далолат берувчи ва унга нисбатан бошқа жазо тайинланиши имкониятини истисно этувчи алоҳида ҳолатлар бўлганда тайинланиши мумкинлигини инобатга олиши кераклиги, шунинг учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланаётганда суд ҳукмнинг тавсиф қисмида бундай қарор қабул қилиниши сабабларини кўрсатиб ўтиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва юқорида келтирилган Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи А.Муҳаматжоновга жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабларини, айбдорнинг шахсини, у содир қилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят натижасида уч нафар фуқаро қасддан ўлдирилганлигини, жумладан бир оиланинг 3 нафар аъзоси вафот этгани, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жиноятларни ғаразли ниятларда, ёш болалар ва ожиз аҳволдаги шахсларга нисбатан содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топади ва судланувчи А.Муҳаматжонов томонидан жиноят содир этишда марҳумларга етказган тан жароҳатларининг хусусиятини, сони, ушбу тан жароҳатлари одам ҳаёти учун муҳим аъзоси – бўйин қисмига етказилгани, ижтимоий хавфли қилмишини оқибатини англаган ҳолда уларни тақиб қилиб, жиноятини охирига етказишни ҳоҳлаб, уларни ортидан кириб, марҳума М.Раҳматовага шавқатсизларча 42 маротаба, марҳум Муҳаммаджонов Мухсинга 29 маротаба, Мақсаджонга эса 39 маротаба пичоқ билан жароҳат етказганини, ўзи билан олиб келган пичоғи сингандан сўнг ўша ердаги пичоқ билан қайта қуролланиб, жиноятини охирига етказганини, содир этган жиноятидан пушаймон эмаслигини, А.Муҳаматжоновнинг ғайриинсоний ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйганидан, унинг жамият учун мутлоқ хавфли эканлигидан далолат беради деб ҳисоблайди ва ушбу ҳолатлар унга нисбатан бошқа жазо тайинланиши имкониятини истисно этувчи алоҳида ҳолатлар деб баҳолаб, уни жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйиш лозим деган қатъий хулосага келиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “а,в,ж” бандлари билан фавқулодда жазо чораси - умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, жазони махсус тартибли колонияларда ўташни белгилашни мақсадга мувофиқ деб топади.

Шунингдек суд ҳайъати, судланувчи А.Муҳаматжоновга ЖПКнинг 473-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган афв сўраб илтимос қилиш



ҳуқуқи ва тартибини тушунтириб, бу ҳақида суд мажлиси баённомасига қайд қилинишини лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарорини 2 бандида маънавий зарар деганда жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилиши, маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкинлиги, 13-бандида маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берган субъектив баҳосини, шунингдек даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларни, тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, шахсий эркинлиги, уй-жойнинг дахлсизлиги, катта қимматликка эга бўлган мулклари ва бошқалар), ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишдан ёки турар жойдан ва бошқалардан маҳрум қилиш), уялтирадиган нотўғри маълумотларнинг характери ва уларни қанчалик даражада (доирада) тарқатилганлиги, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий хусусиятлари (хизмати, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлиғининг ҳолати, ёши ва бошқалар), зарар етказувчининг ва жабрланувчининг айб даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олишлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд юқорида кўрсатилган Пленум қарорлари талаблари тушунтиришларига амал қилиб, иш ҳужжатларидаги моддий зарар бўйича тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, судланувчи А.Муҳаматжоновдан жабрланувчининг қонуний вакили М.Исмоиловга 75.000.000 сўм, жабрланувчининг қонуний вакили Т.Рахмоновага 50.000.000 сўм маънавий зарар ундиришни, жабрланувчининг қонуний вакилларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтиришни лозим топади.



Шунингдек суд ҳайъати, ҳукм қонуний кучга киргач, жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида олинган икки дона рўзғор пичоғи, бир жуфт қора рангли шиппак, бир дона коса, бир дона ош қошиғи, бир дона носоз ҳолатдаги телефон аппарати, бир дона катта теша, бир жуфт аёллар шиппаги, бир жуфт эркаклар оёқ кийими, бир дона оқ рангли мато, бир дона аёллар трусиғи, бир дона аёллар рўмоли, бир дона ёстик, уч дона кўрпача, бир дона сумка, бир дона ёстик, бир дона пичоқ, синган пичоқ дастаси ва тиф қисми, бир дона скоч ўрами, бир дона эркаклар шортиғи, бир дона эркаклар футболкаси, бир дона кўйлак, бир дона иштон, бир дона соч турмаклағич, бир дона сийнабанд, бир дона трусик, бир дона аёллар тағлиғи, бир жуфт красовка, бир дона красовка, бир дона куртка, бир дона жемфер, бир дона шим, бир жуфт спорт оёқ кийими, бир жуфт ёзги шиппак, бир жуфт эркаклар макасини, мархума М.Рахматованинг уйидаги ошхона эшиғи ва эшикнинг рамкаси тегишли тартибда йўқ қилишни, жиноят ишига қўшилган ёзма далиллар ва 5 дона "DVD" дисклар жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 461, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Муҳаматжонов Абобакир Авазжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “а,в,ж” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи А.Муҳаматжоновга Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “а,в,ж” бандлари билан фавқулодда жазо чораси - умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 10 августдан бошлаб ҳисобланиб, жазони махсус тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Судланувчи А.Муҳаматжоновга қўлланилган эҳтиёт чораси аслича камоқда қолдирилсин.

Судланувчи А.Муҳаматжоновдан жабрланувчининг қонуний вакили М.Исмоиловга 75.000.000 сўм маънавий зарар ундирилсин.

Судланувчи А.Муҳаматжоновдан жабрланувчининг қонуний вакили Т.Рахмоновага 50.000.000 сўм маънавий зарар ундирилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакилларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида олинган икки дона рўзғор пичоғи, бир жуфт қора рангли шиппак, бир дона коса, бир дона ош қошиғи, бир дона носоз ҳолатдаги телефон аппарати, бир дона катта теша, бир жуфт аёллар шиппаги, бир жуфт эркаклар оёқ кийими, бир дона оқ рангли мато, бир дона аёллар трусиғи, бир дона аёллар рўмоли, бир дона ёстик, уч дона кўрпача, бир дона сумка, бир дона ёстик, бир дона пичоқ, синган пичоқ



дастаси ва тиф қисми, бир дона скоч ўрами, бир дона эркаклар шортиги, бир дона эркаклар футболкаси, бир дона кўйлак, бир дона иштон, бир дона соч турмаклаги, бир дона сийнабанд, бир дона трусик, бир дона аёллар таглиги, бир жуфт красовка, бир дона красовка, бир дона куртка, бир дона жемфер, бир дона шим, бир жуфт спорт оёқ кийими, бир жуфт ёзги шиппак, бир жуфт эркаклар макасини, марҳума М.Рахматованинг уйидаги ошхона эшиги ва эшикнинг рамкаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Жиноят ишига қўшилган ёзма далиллар ва 5 дона "DVD" дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакиллари ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, қайд этилган муддат ўтгач кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Ж.Курбанов

Халқ маслаҳатчилари:

имзо

Д.Камилова

имзо

Ф.Алимова

“Аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича

Поп туман судининг раиси

Ж.Курбанов

